



Холис хизмат
халқ ичида
ҳурматни оширади

3-с.

“Агар мен маҳалламиз
ёшларига
сардор бўлсам...”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
17 ДЕКАБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№101
(2323)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



..... КУН НАФАСИ

..... БИР ЎЛКАКИ...

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА
КУЧ-ҚУДРАТ, ТАЖРИБА
ВА ҲИММАТНИ ҲЕЧ ҚАЧОН
АЯМАЙМИЗ

Кексалик — умр дарахтининг ҳосили
етилган, ҳар бир сўзи минг маънога эга
фаслидир. Кексалари бор уйда кут-ба-
рака ва тотувлик бўлади.

Зокиржон
РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Сенати аъзоси,
“Нуроний”
жамғармаси
Фарғона ви-
лояти бўлими
бошлиғи.



Умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган, солиҳ фарзандларни тарбиялаб, вояга етказган бундай инсонлар билан суҳбатлашиш, уларни ёшларимизга ўрнат ва намуна қилиб кўрсатиш — бугун жуда долзарб.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга бўлаган ҳар бир ташрифини диққат билан кузатаман. Маҳаллаларда бўлиб, “еттилик” аъзолари, аҳоли вакиллари — нуронийлар, ёшлар билан мулоқотда билдириладиган фикрларни, янгидан-янги ташаббусларни ўзим учун алоҳида қайд этиб бораман. Негаки, қайсидир ҳудудда билдирилган таклифларни, албатта, Фарғона вилояти маҳаллаларида ҳам татбиқ этишга тўла асослар бўлади.

Давоми 3-саҳифада.

“АДОЛАТЛИ БАҲОНИ ХАЛҚНИНГ ЎЗИ, ШУ МАҲАЛЛА БЕРАДИ”

Президент Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни пойтахтимизнинг Юнусобод туманида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз “Юнусобод галереяси” савдо, хизмат кўрсатиш ва бизнес марказига ташриф буюрди. Икки ярим гектар майдонни эгаллаган ушбу йирик мажмуада 100 дан ортиқ савдо нуқталари очилиб, 500 га яқин иш ўринлари яратилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда очилган китоб дўконда наشريётлар вакиллари ҳамда китобхон ёшлар билан суҳбатлашди. Пойтахт фаоллари, нуронийлар ва ёшлар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

— Барча соҳаларда эришилаётган натижалар, аввало, юртимиздаги тинчлик ва ҳалқимиз ҳамжиҳатлиги самарасидир. Пойтахтимиз кун сайин обод ва кўркем қиёфа касб этмоқда. Бунинг чет элдан келадиган меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Бирдамликда гап кўп. Унинг илдизи, энг аввало, маҳаллаларимизда. Адолатли баҳони ҳам халқнинг ўзи, шу маҳалла беради. Шунинг учун одамларни рози қилишга қаратилган

ишларимизни энг кўйи бугундан бошладик, — деди Президент.

Марказга ташриф доирасида давлатимиз раҳбарига шу ерда фаолият юритаётган “Unicon-Soft” IT компанияси фаолияти тақдим этилди. Айни пайтда компания рақамлаштириш йўналишида дастурий ва техник воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, божхона фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, “Рақамли маҳалла” платформасини жорий этишни режалаштирган.

Президентимиз Рихсийил кўчасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва замонавий инфраструктурани кўздан кечирди. Бу ерда 24 соат фаолият юритадиган савдо, умумий овқатланиш ҳамда кўнглочар объектлар ташкил этилди. Натижада 650 та янги иш ўрни яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича келгуси вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда пойтахтимизда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси йилдаги янги марралар белгилаб олинди.

— Пойтахт — давлатнинг сиёсий, маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Пойтахтни бошқариш, ривожлантириш ва муҳофаза қилиш бўйича ўзига хос ёндашувлар бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

“Маҳалла еттилиги”нинг самарасини оширишда пойтахт етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди. 2026 йилдан Тошкент шаҳрида янги тизим жорий қилинади — “маҳалла еттилиги” тўлиқ шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига ўтади. “Еттилик”нинг ҳар бир аъзосига янгича ёндашув асосида KPI ишлаб чиқилиб, тизимдаги ортиқча ҳисоботлар каби бюрократия йўқотилади.

— “Еттилик” ҳисоботлар билан эмас, балки одамларнинг оғирини енгил қилиш билан шуғулланиши зарур, — деди Президентимиз.

Йиғилиш давомида пойтахт ва унинг туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди, тадбиркорлар билан мулоқот қилинди.

Президент Матбуот хизмати ахбороти асосида тайёрланди.

..... КУН НАФАСИ

Маҳалла тизимини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан жорий йилнинг якунига қадар тизимда қатор сайёҳаракатлар амалга оширилади.

Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қиёфасини яхшилашга доир рейтинг юритилиб, улар “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилади. Бу жараёнда йиғинлар “Самарқанд тажрибаси” ўларок, 72 та кўрсаткичдан иборат мезон асосида баҳоланади. “Қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллаларни “яшил” тоифага ўтказиш бўйича Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилиб, ғолиб Президент совғаси — автомобиль билан тақдирланади.



Айтиш керакки, танловнинг ҳудудий босқичларида 8 992 та маҳалла, 159 минг нафар кўчабоши ва 5 миллион 792 мингта хонадон иштирок этди. Шунингдек, ёшлар ўртасида “Менинг маҳаллам” кўрик-танлови ўтказилади.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида 13 миллион 400 мингдан ортиқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилади.

619 та йиғин биносида “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этилади. Маҳалла тизимини ривожлантириш ҳамда “еттилик” фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган 2026 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилади.

БОНУС ВА
СОВРИНЛАР
ҚИМОР
ЭМАСМИ?

8-с.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zgusi” журналига
2026 йил учун
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ
СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ,
ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР,
ХОЛИС ВА ТЕЗКОР АХБОРОТ,
ҚИЗҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР
ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89,
71 233-10-92



Президент қарорига кўра, 2026 йил 1 мартдан тадбиркорлик фаолиятига оид хизматларни кўрсатиш бўйича “БИЗНЕС ҲАМРОҲ” ЛОЙИҲАСИ амалга оширилади.



Тадбиркорларга СУБСИДИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ, асоссиз ва мақсадсиз фойдаланилганларини қайтариб олиш тартиби белгиланди.



“Даврий божхона тўловларини тўлаш графигини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги ЙҮРИҚНОМА ТАСДИҚЛАНДИ.

ИЖТИМОЙ ХОДИМ – ЭҲТИЁЖМАНДЛАРГА МАДАДКОР

САВОБ ВА ШУКРГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада тизимли ишлар олиб борилаётганини Ховос туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази мисолида ҳам кўриш мумкин.



Бунёджон МАМАРАСУЛОВ, Ховос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори.

Марказимиз фаолиятининг асосий йўналиши — ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд оилалар ва ҳаётда турли синовларга дуч келган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Уларга нафақат моддий кўмак, балки руҳий қувват, ҳаётга ишонч бахш этиш бизнинг бурчимиздир.

Сўнгги йилларда марказ орқали юзлаб оилалар манзилли ёрдам олди. Ижтимоий нафақалар тайинлаш, реабилитация воситалари тарқатиш, санаторийларга йўлланмалар бериш каби хизматлар манзилли тарзда кўрсатиляпти. Масалан, ёлғиз кексалар, уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар бепул 12 кунлик соғомлаштириш йўлланмалари билан таъминланмоқда. Уй шароитида хизмат кўрсатиш тизими кенгайиб, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг кундалик ҳаёти енгиллашмоқда.

Шуниингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 19 нафар болага уй-жой топширилди. 17 нафар йигит-қиз эса олий таълимга бир фоизли имтиёзли грант асосида қабул қилинди. Бу уларнинг келажакка ишонч билан қадам қўйишига катта туртки бўлди.

Қалбларни тўлқинлантирган воқеалардан бири – якка-ёлғиз кексалар рўйхатида узоқ йиллардан бўён турган Мирза Жалиловнинг қўшни Тожикистон Республикасидан қариндошлари топилиб, оилавий алоқалари тикланди. Бундай воқеалар орқали инсонпарварлик ва меҳр-оқибат каби қадриятларимиз ҳаётда янада ёрқин ифода топмоқда.

Марказимизнинг эътиборида бўлган ёшлардан бири – Каромат Аҳмадқулова. Жисмоний имконияти чекланганига қарамай, унинг ижодкорлиги ва ҳаётга интилиши юксак натижаларга эришишига замин яратмоқда. У ҳозирда Гулистон давлат университети талабаси, республика ва халқаро кўргазмалар ғолибаси. Кароматнинг матонати вилоят ҳокими ҳомийлигида муносиб тақдирланди ва оиласига уй совға қилинди.

Шуниингдек, марказ орқали 150 нафардан зиёд ногиронлиги бўлган фуқаро ишга жойлаштирилди. Уларнинг 5 нафари эса ҳамкасбимиз бўлди. Бу билан уларнинг юзига қувонч, оиласига барака кирди, жамиятдаги ўрни ва ўз-ўзини қадрлаши таъминланди.

Инсон манфаатига қаратилган ҳар бир хизмат – савобдир. Халқ дуосини олиш, инсонлар юзида табассум кўриш орқали меҳнатимиз самарасини қалбдан ҳис қиляпмиз. Шундай туйғуларни энг катта мукофот, деб биламан.

Хулоса қилиб айтганда, Ховос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фаолияти Президентимиз бошчилигидаги инсонпарвар сиёсатнинг амалдаги ифодасидир. Олдимиздаги мақсад ҳам аник: ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратиш ва жамиятдаги ижтимоий барқарорлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ОДАМЛАРНИНГ РОЗИЛИГИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг халқаро тажрибага асосланган ва тиббиётни аҳолига яқинлаштиришга қаратилган янги моделини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ягона ёндашув асосида ривожлантириляпти.

Шахноза РАҲИМХҲҲАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Бунинг натижасида оилавий шифокорлар улушини 70 фоизга етказиш мўлжалланган. Рақамлаштириш ва қоғоз ҳужжат айланишини қисқартириш орқали тиббиёт ходимларининг иш юкласини қарийб учдан бир қисмга камайтириш, фуқароларнинг бирламчи бўғин хизматларидан қониқиш даражасини 85 фоиздан ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш орқали уларнинг касбий самардорлигига бевосита боғлиқ бўладиган янги тизими жорий этилмоқда.

Тиббиёт йўналишидаги туб ислохотлар моҳиятига инсон манфаатлари устуворлиги чуқур сингдирилган. Бунинг мамлакатимизда йўлга қўйилётган давлат тиббий суғуртаси тизими ва унинг дастлабки натижалари мисолида яққол кўриш мумкин.

2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикаси, 1 июлдан Навоий ва Самарқанд вилоятлари, 1 октябрдан эса Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари тиббиёт муассасаларида давлат тиббий суғуртаси жорий этилди. Аслида, бу борадаги ишлар 2024 йил 1 октябрдан Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳри муассасаларида бошланган бўлиб, ҳозирга қадар муайян ютуқлар қўлга киртилди.



Давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилган ҳудудлардаги 167 та муассаса билан тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар имзолашиб, бирламчи тиббий-санитария муассасалари “аҳоли жон бошига”, стационарлар “хар бир даволанган ҳолат”, айрим муассасалар эса “глобал бюджет” усулида молиялаштирилмоқда.

Натижада бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига қатновлар 20 фоизга ошгани, тор соҳа мутахассисларига мурожаатлар 12 фоизга, туман ва шаҳар шифохоналарида даволанган беморлар 16 фоизга камайган. Поликлиникаларда эса беморларни “Реимбурсация” дастури асосида 28 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш амалиёти жорий этилди ҳамда шу йилнинг олти ойида 348 минг нафар беморга 718 мингта рецепт шакллантирилиб, 18 миллиард сўмлик дори-дармон берилди.

Бу саъй-ҳаракатлар қандай самара бераётганини туман ва шаҳар шифохоналарига инфаркт билан ётқизилган беморлар 2,5 фоизга, бош мия қон айланиши бузилиши билан мурожаат қилганлар 3,2 фоизга камайганининг ўзи кўрсатиб турибди. Бошқа бир қатор хасталиклар бўйича ҳам ана шу каби ижобий ҳолатни кузатиш мумкин. Қувонарлиси, беморларни

шифохоналарга асоссиз ётқизиш кўрсаткичи 40 фоиздан 18 фоизгача камайтишига эришилди. 2026 йил якунига қадар давлат тиббий суғуртаси тизими республикада тўлиқ йўлга қўйилади.

Ишни янада яхшилаш учун даволаш-профилактика муассасалари 51 миллиард сўм миқдоридида 22,5 минг дона компьютер ускуналари билан таъминланди ва локал тармоқ ўрнатилди. Айни чоғда муассасалар “Ягона тиббиёт тизими”га уланди ва 45 минг нафар бирламчи тизим тиббиёт ходимлари “IT” йўналишида ўқитилди.

Сўнгги йилларда инсульт ва инфарктга олиб келадиган гипертония, юрак ишемик касаллиги ва қандли диабетнинг кўпайиши кузатилмоқда. Бундай ҳолатларнинг 85 фоизи ногиронликка олиб келмоқда. Шу боис бирламчи бўғинда сунъий интеллектни кенг қўллаган ҳолда ушбу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича янгича протокол ва ёндашувларни жорий қилиш эҳтиёжи юзага келяпти.

Бугунги кунда аҳолининг лаборатория таҳлилларига ишончи бирмунча паст. Шу боис 2030 йил якунига қадар 198 та марказлашган лаборатория ташкил этиш, ички ва ташқи сифат назоратини йўлга қўйиш, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бепул таҳлиллар сони оширилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “бугун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёқарashi ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда”. Тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар, янгилик ва ўзгаришларнинг барчаси одамлар ҳаётида ўз ифодасини топаётгани эса бу масъулиятни адо этиш йўлидаги муҳим одимлар демек.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ХОЛИС ХИЗМАТ ХАЛҚ ИЧИДА ҲУРМАТНИ ОШИРАДИ

Мафтуна АБДУРАЙИМОВА, Ангрен шаҳридаги “8 март” маҳалласи ижтимоий ходими.



Маҳаллаларда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимининг жорий этилиши эҳтиёжманд оилаларнинг фаровонлигини ошириш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазкур жараёнга оз бўлса-да, ҳиссам қўшилаётганидан доим фахрланаман. Бу зиммалардаги масъулият туйғусини янада оширади. Бизнинг асосий вазифамиз – жамиятнинг энг заиф қатламларига кўмаклашиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш эканини тобора чуқур англаб етляпман.

Ҳозирда маҳалламизда 4 987 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, улардан 119 нафари ногиронлиги бўлган шахслар сифатида расмий рўйхатга олинган. Хонадонлар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни жойида аниқлаб, ҳар бир оилага манзилли ёндашув асосида кўмаклашиш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган.

Жорий йил бошидан буён маҳаллага 538 тадан ортқ мурожаатлар келиб тушди. Шундан 90 фоиздан кўпроғи муваффақиятли ҳал этилди. Бу рақамлар жорий этилган тизимнинг самардорлиги ва амалий натижадорлигини яққол кўрсатади.

II гуруҳ ногиронлиги бўлган Мархабо Йўлдошова ва унинг турмуш ўртоғи Раҳматилла Йўлдошев оиласи моддий ва маънавий жиҳатдан қийин шароитда яшаб келаётган эди. Уларнинг ҳолати ўрганилиб, “Камбағал оилалар реестри”га киритилди.

ТАҚДИРЛАР

Ҳар бир ёрдам ортида эртанги кунга ишонч ва умид мужассам

Иситиш мавсумида коммунал тўловларнинг ошиши, табиий газга бўлган талабнинг ортиши, биринчи навбатда, даромади паст оилаларга сезиларли таъсир кўрсатади. Шу боис, ушбу мавсумда 106 та эҳтиёжманд ва камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлган оилага 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Мазкур жараёнда, аввало, ўтақиқли муҳтожларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун аҳоли билан бевосита суҳбатлар ўтказилди, ҳар бир хонадоннинг ички ҳолати ўрганилди.

Нозима ОЛИМОВА, Бухоро туманидаги “Дехча” маҳалласи ижтимоий ходими.

Шу каби манзилли ёндашувнинг яққол мисолларидан бири — Нафиса Раҳматова хонадонни. Нафиса опа II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқаро, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган. Унинг ҳаётини яхшилаш йўлида давлат, маҳалла ва ҳомийларнинг кўмаги билан бир қатор ишлар амалга оширилди.



Аёлга бола нафақасини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди, дори-дармон харажатлари учун моддий ёрдам берилди. Онкология диспансерида даволаниши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳомийлик асосида тикув машинаси ва “Аверло” ускунаси олиб берилган, Нафиса опа ўз уйида чеварчилик қила бошлади. Аёлнинг таъкидлашича, бу ёрдамлар унга фақат моддий эмас, балки маънавий куч бағишлаган.

Жорий йилнинг ноябрь ойида эса Нафиса опанинг оиласига иссиқлик мавсумида газ ва электр тўловларини қоплаш учун яна 1 миллион сўм миқдоридида маблағ ажратилди. Албатта, янги уй тиклаётган ва оғир касалликдан сўнг доимий даволанишга муҳтож бўлган фуқаро учун қишининг ғами — коммунал тўловлар, иссиқлик ва рўзгор ташвишлари эмас, балки соғлиғини тиклаш ва фарзандлари билан тинч-омон яшаш бўлиши керак.

Маҳалламиздаги ижтимоий ҳимоя ишлари айнан мана шундай — аҳолининг аниқ эҳтиёжидан келиб чиқиб, манзилли тарзда ташкил этилмоқда. Ҳар бир кўрсатилган ёрдам ортида инсон ҳаёти, унинг эртанги куни, фаровонликка бўлган ишончи мужассам. Бизнинг вазифамиз — ҳар бир эҳтиёжманд фуқарога ўз вақтида кўмак бериш, уларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлишига ҳисса қўйишдир.

Шу кунга қадар хонадон вакиллари фақатгина томорқасида етиштирилаётган гулларни сотиб, даромад топаётган эди. Қўшимча ёрдам кўрсатиш мақсадида уларга болалар нафақаси тайинланди. Икки нафар фарзанди Ангрен шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабнинг инглиз тили тўғрагига бепул қабул қилинди. Мархабо опага ногиронлик тайинланиши учун амалий ёрдам кўрсатилди ва унга ногиронлик нафақаси белгиланди. Юришга қийналаётганини ҳисобга олиб, қўлтиқтаёқ ҳам тақдим этилди.

Шуниингдек, ҳомийлар ёрдамида фарзандлари учун ўқув қуроллари тақдим этилди. Турмуш ўртоғи Раҳматилла Йўлдошев Ангрен шаҳридаги “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамиятига ишга жойлаштирилди. Энг муҳими, оила аъзолари ижтимоийлашув натижасида сезиларли ўзгаришларга эришди.

Айтиш жоизки, шу каби мажмуавий ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ёрдамга муҳтож оилаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш ва жамиятга фаол интеграциясини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Бу қадар амалий ишлар инсонпарварлик ва ҳамжихатлик тамойилларини мустаҳкамлаб, жамиятда бирдамликни оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМХҲҲАЕВА тайёрлади.



Президент қарорига асосан, тадбиркорлар билан мулоқотни ташкил қилишнинг ЯНГИ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.



Ўзбекистонда ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯ-ЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАРИ САВДОСИГА рухсат берилиши мумкин.



Келгуси йил март ойида ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО СУВ ҲАФТАЛИГИ ташкил этилади.

●●●●● ЖАРАЁН

“Агар мен маҳалламиз ёшларига сардор бўлсам...”

Бугун мен 22 ёшдаман. Болалар ташкилотидаги фаолиятим 12 ёшимда сардорликдан бошланган. Ўша пайтда сардор бўлиш мен учун оддий танлов эмас, балки ички масъулият ҳиссининг уйғониши эди. Айнан сардорлик менга биринчи марта “мен”дан кўра “биз” тушунчасини устун қўйишни ўргатди.



Ҳасанбой НАБИЕВ, Ўзбекистон болалар ташкилоти Бошқарув Кенгаши раиси.

Жамоа билан ишлаш, тенгдошлар ишончини оқлаш, уларнинг муаммоларига бепарқ бўлмаслик жараёни мени шахс сифатида тарбиялади ва ҳаётга бўлган қарашларимни шакллантирди. Шу даврдан ташаббус кўрсатиш, тадбирлар ташкил этиш, тенгдошларимни бир мақсад атрофида бирлаштириш каби кўникмаларим ривожлана бошлади. Бугун ортга қарасам, болалар ташкилотидаги фаолиятим

хаётий позициямни белгилаб берган муҳим тажриба бўлганини аниқ ҳис қиламан. Бу мактаб менга фақат ижтимоий фаолликни эмас, балки инсонларга хизмат қилиш, жамият олдидаги масъулиятни ҳис этиш ва доимий ривожланишга интилиш руҳини сингдирди.

Сардорлар орасида “Сардорлик манфаат учун эмас, тажриба учундир”, деган гап бор. Бу жумла сардорлик моҳиятини жуда аниқ ифодалайди. Чунки ҳақиқий сардорлик обрў ёки шахсий манфаат учун эмас, балки инсонни ҳаётга тайёрлайдиган катта мактабдир. Сардорликдан кўзланган энг катта ютуқ — натижа эмас, балки жараёнда шаклланган шахсият. Айнан шу тажриба орқали инсон келажақда ўз билим ва салоҳиятини Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва жамият ривожини йўлида сафарбар этишга тайёр бўлиб етишadi.

Бугун Ўзбекистон болалар ташкилоти раҳбари сифатида фаолият юритар эканман, мени етакчиликка ундаган асосий омилларни аниқ аниглайман. Аввало, бепарқ бўла олмаслик ҳисси, жамоага фойдали бўлиш истаги, атрофдагилар билдирган ишончни оқлаш масъулияти, ўзини синаб кўриш ва хатолардан сабоқ чиқариш, билим ва салоҳият-

ни жамият манфаатлари йўлида сафарбар этиш мақсади — буларнинг барчаси менинг етакчилик йўлиمنى белгилаб берди.

Болалар ташкилоти фаолиятининг асосида ука-сингилларимизни турли ёт ғоя ва зарарли мафқура-лардан ҳимоя қилишга қаратилган уч муҳим тушунча мужассам. Бу, аввало, **Ватанга муҳаббат**, яъни болаларни туғилиб ўсган юртига садоқат, давлат рамзларига ҳурмат ва миллий қадриятларга эътибор руҳида тарбиялашдир. Иккинчиси — **дўстлик** бўлиб, у болаларда меҳр-оқибат, жамоавийлик, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Учинчиси эса **бахтли болалик** бўлиб, ўғил-қизлар учун хавфсиз муҳит яратиш, соғлом ҳаёт тарзи ва замонавий таълим олиш имкониятларини таъминлашни аниглайди.



Бугунги кунда ташкилот етакчилиги ва ижтимоий фаоллик, ижод ва маданият, рақамли саводхонлик ва инновациялар, инклюзивлик, спорт ва соғлом турмуш тарзи ҳамда касбга йўналтириш йўналишларида кенг қўлламли лойиҳаларни амалга ошириш. Бу ташаббусларнинг барчаси болаларнинг иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган.



Жорий йилда Сардорлар сайлови маҳаллалардан бошланди ва унда 88 мингдан ортиқ бола иштирок этиш истагини билдирди. Болалар “Сардорлик”, “Жасорат”, “Ибрат фарзандлари”, “Устозлар”, “Яшил макон”, “Мутлоа”, “Қизлар академияси”, иқтидор, матбуот ва медиа каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда. Бу йўналишлар орқали улар ўз салоҳиятини кашф этишга қолмай, жамият ва маҳалла ҳаётида фаол бўлишни ўрганмоқда.

Амалга оширилаётган лойиҳалар орасида **Сардорлар сайлови** алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу лойиҳа болаларнинг етакчи бўлиш истагини эмас, балки “Агар мен сардор бўлсам, маҳалламдаги болалар учун нима қиламан?” деган масъулиятли савол билан чиқатганини намоён этмоқда. Сайлов жараёнида болалар ўз режалари ва ташаббусларини аниқ баён этади, ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишга интилади. Бу эса уларда етакчилик, масъулият ва ташаббускорлик кўникмаларини амалиёт орқали шакллантиради.

Бугунги кунда болалар олдида турган энг долзарб муаммолардан бири — бўш вақтни мазмунли ташкил эта олмасликдир. Интернет ва ижтимоий тармоқларда ортиқча вақт сарфлаш болаларнинг ўз устида ишлашига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис болаларни илм-фан,

спорт, санъат ва технология каби фойдали йўналишларга йўналтириш муҳим вазифага айланган. Чунки келажақ бугун қилинаётган ишлар билан белгиланади. Ҳозирги кунда республика бўйлаб барча маҳаллаларда болалар ташкилоти сардорлари тизимли фаолият олиб бормоқда.

Келажақда Ўзбекистон болаларини илм-фан, технология ва инновациялар соҳасида дунё миқёсида тан олинган, ўз ғоялари билан жамият ривожига ҳисса қўшадиган етакчи шахслар сифатида кўраман. Улар сунъий интеллект, робототехника, космик тадқиқотлар каби йўналишларда йирик кашфиётлар қилади, халқаро майдонда юртимиз номини муносиб ҳимоя этади. Улуғбеклар, Хоразмийлар ва Берунийлар давомчилари айнан бугунги болалар орасидан етишиб чиқади.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ — МАҲАЛЛАДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР МАСЛАҲАТЧИСИ

НИГОҲ

Илм — мақсад сари элтувчи энг ишончли йўл

Ёшлар етакчиси сифатида фаолиятимни маҳалламиздаги ҳар бир йигит-қизни ўрганишдан бошладим. Уларнинг ҳаёти, орзу-интилишлари, ички кечинмалари, дарду муаммолари билан яқиндан танишдим. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган етим, ногиронлиги бор, кам таъминланган oilалардан чиққан ва назоратсиз ёшлар билан тизимли ва узлуксиз ишлаш ижобий ўзгаришларнинг энг тўғри йўли эканини англадим.



тушқунликка туширмади. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда уни мономарказдаги тикувчилик курсларига йўналтирдик. “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан субсидия ажратилиб, замонавий тикув машинаси олиб берилди. Бугун Нигора ўзини ўзи банд қилган, доимий даромад топаётган ёш аёл.

Нигоранинг ота-онаси ногирон, ишлаш имкониятига эга эмас. Шунга қарамай, у oilасининг оғир юкини ўз зиммасига олди. Нафақат ўзи, балки онаси ва сингисига ҳам тикувчиликни ўргатиб, oilавий меҳнат фаолиятини йўлга қўйди. Бу — ишонч ва имкон берилса, ёшлар қандай юксалишнинг ёрқин намунасидир.

Ёшларнинг катта қисmini таълимга, илм олишга йўналтирялмиз. Илм — инсонни мақсадлари сари элтувчи энг ишончли йўлдир. Ўқув курсларини ташкил этиб, моддий қўмак ҳам кўрсатмоқдамиз. Бугун тил билиш, “IT”, “SMM” каби замонавий йўналишларни эгаллаш — замон талаби. Ҳар бир ёш билан суҳбатлашиб, уларни айнан шу соҳаларга ундайман.



Диплом бўлиши мумкин, ammo билим кўп нарсани ҳал қилади. Қанчалик кўп йўналишда билим бўлса, шунчалик даромадли имкониятлар очилади. Бугун ёшларимизга ана шу ҳақиқатни англатиш, уларни ўз устида ишлашга руҳлантириш бизнинг асосий вазифамиздир.

Айни кез маҳалламиздаги ҳар бир ёшнинг юзида ишонч, кўзларида келажаққа умид порлаяпти. Демак, қилинаётган меҳнатлар беҳуда эмас. Ёшлар билан ишлашда самимият бўлса, натижа, албатта, бўлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“ЕТТИЛИК” РАҲБАР КАДРЛАР ЗАХИРАСИГА КИРИТИЛАДИМИ?

Муҳаммад Жўраев. Қашқадарё вилояти:

— Ўғлим маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида ишлайди. Айтишларича, эндиликда “маҳалла еттилиги” аъзолари раҳбар кадрлар захирасига киритилар экан. Шу ростми?

Севара УРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа маркази раҳбари:



— 2025 йил 6 декабрда “Давлат хизматиде бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилин-

ган. Унга кўра, кадрлар захирасини юритиш бўйича янги тартиб жорий этилди. Бу жараёнда давлат органлари Миллий кадрлар захирасига киритилган лавозимлар учун номзодлар рўйхатини мустақил шакллантиради.

Салоҳиятли кадрлар захирасига номзодлар эса маҳаллада фаолият кўрсатаётган йигин раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспекторлари орасидан туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳулосаси асосида ишчи гуруҳ томонидан сараланади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Oilа ва хотин-қизлар кўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Солиқ кўмитаси вакиллари билан иборат таркибда ишчи гуруҳ шакллантиради.



Жавохиржон АКТАМОВ, Навоий шахридаги “Тараққиёт” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Хар бир ёшга индивидуал ёндашсангизгина уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, эртанги куннинг бунёдкори сифатида кўра olasиз. Шу боис бугун ёшлар ўзларини ёлғиз ҳис этмаяпти. Чунки мен улар учун дўст, ака-ука, маслаҳатчи бўлишга ҳаракат қиламан. Мулоқотларда аён бўляптики, бугунги кундаги

энг долзарб масала — ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадини оширишдир. Меҳнат орқали инсон жамиятда ўз ўрнини топади. Шу мақсадда маҳалладаги тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва касб-ҳунар мактаблари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ишсиз ёшларни ўқитиш, касбга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича аниқ чоралар кўриляпти.

Бунга яққол мисол — Нигора Шавкатова. У мактабни тамомлагач, олий таълим муассасасига кира олмади. Аммо бу ҳолат уни

ИМКОНИАТ

КИЧИК САНОАТ ҲУДУДИДАГИ КАТТА ЛОЙИҲА

Термиз шахридаги “Каттабoғ” маҳалласида ташкил этилган Ёшлар кичик саноат ҳудудида замонавий технологияларга асосланган корхоналар фаолият юритиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.


Саноат ҳудудидаги етакчи лойиҳалардан бири Музаффар Асқоров раҳбарлигидаги бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ҳисобланади. Корхона ҳозирда 50 дан ортиқ турдаги плита маҳсулотларини ишлаб чиқараяпти. Лойиҳанинг амалга оширилишида Ёшлар жамғармаси ҳисобидан ажратилган 800 миллион сўмлик имтиёзли кредит муҳим аҳамият касб этди. Ушбу маблағ

эвазига замонавий ускуналар олиб келиниб, ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхонада 20 нафар ёш доимий иш билан банд.

— Саноат ҳудудидан жой олиб, ускуналарни Хитойдан олиб келдик, — дейди ёш тадбиркор. — Ҳозир ойига 4 000-5 000 дана маҳсулот ишлаб чиқарялмиз. Ер солиқларидан озод этилганмиз, имтиёзли кредит-

лар берилмоқда. Ҳозир ишлаш ва имкониятларни юзага чиқариш учун барча шароитлар бор, фақат ҳаракат қилиш керак.

Айни пайтда корхона маҳсулотлари ҳудуддаги ва қўшни туманлардаги йирик қурилиш объектларига етказиб берилмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва фаолиятни кенгайтириш режалаштирилган.





15 декабрдан
2025/2026-ўқув йили
доирасида
“МЕНИНГ МАКТАБИМ”
лойиҳасининг
2-босқичи бошланди.



Жаҳон банки
Ўзбекистоннинг 16 та
туман ва шаҳрида
ҲАЁТ СИФАТИНИ
ЯХШИЛАШГА 250 миллион
доллар ажратди.



Дунёда илк бор
БУТУНЖАҲОН
ТУРКІЙ ТИЛЛАР КУНИ
нишонланди.
Қарорни Самарқандда
ЮНЕСКО маъқуллаганди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НУКУС ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАШАББУСГА ТУРТКИ БЎЛГАН ОДАМЛАР ҲАМ, ОМИЛЛАР ҲАМ ТЎХТАГАНИ ЙЎҚ

Сўнгги уч-тўрт йилда Нукус туманида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Маҳаллаларда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги тураржойлар, маҳалла бинолари, тиббиёт муассасалари, мактаб, боғча, бозор, савдо мажмуалари, дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, аквапарк, футбол ва спорт майдонлари қурилиб, ҳудуд қиёфаси тубдан янгиланди.

Сардор СОДИҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Нукус тумани бўлими бошлиғи.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва ишлаб чиқариш соҳасида кўплаб корхоналар ишга туширилиб, аҳоли бандлиги таъминланди. Йўллар таъмирланиб, электр энергия, газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари яхшиланди.

Бу ютуқларга эришишда Президентимизнинг ташаббуси билан Оролбўйи аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Самарқанд вилоятининг

Нукус туманига бириктирилиши ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Самарқандлик дўстларимиз ўз тажрибалари асосида барча тармоқларда янги лойиҳаларни ишга туширди. Хусусан, фойдаланишдан чиққан минг гектардан ортиқ ер майдонида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этилди. Қирқ гектарга яқин майдон саксовулдан тозаланиб, сабзавот экинлари экилди. Ариқ ва зовурлар қазилиб, фойдаланишдан чиққан ер майдонлари фойдаланишга киритилди. “Дийқан арна” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи катта магистрал йўл бўйида замонавий савдо мажмуаси барпо этилди. Крантаў овулида янги тикувчилик корхонаси фойдаланишга топширилди.



“Токтаў” маҳалласида “Биогумус” фермер хўжалиги 60 гектар майдонда “Қуёшда қуритилган экологик тоза органик помидор ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш” лойиҳаси асосида Италиянинг “Сан-Марсано” помидор навини етиштиряпти. Йилига 1,2 минг тонна маҳсулот олиб, унинг 110 тоннасини қайта ишлаб, қуритилган органик помидор маҳсулотларини Италия ва Франция давлатларига экспорт қиялпти.



Шу кунларда туман марказидаги Оқманғит шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Дўстлик канали атрофида аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида “Халқ сайли” савдо-кўнгилочар маркази ҳамда “Оқманғит турист” халқ сайилгоҳи ташкил этиляпти. Бу ерда 24/7 тартибда хизмат кўрсатувчи кўнгилочар масканлар, канат йўли, аквапарклар, болалар майдончалари, дам олиш ва савдо ўринлари, ҳайвонот боғи, очпоар майдони жойлаштирилиши белгиланган бўлиб, 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Асосийси, бу ҳар қандай ёш тоифасидаги меҳмонларга хизмат кўрсатувчи масканга айланади.

Саманбай овулида эса ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ўрдақ боқиб лойиҳаси ишга тушириляпти. Бу ерда ўрдақларни кўпайтириш эвазига туҳум ва гўшт маҳсулотлари етиштирилиб, жами қирқта иш ўрни яратилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида Галофит ўсимликлари ботаника боғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу овулнинг “Катти ағар” массиви ҳудудига Галофит ўсимликлари ботаника боғи ташкил этилади.



ШАРОИТ ЯРАТИЛГАЧ, БОҚИМАНДАЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Сўнгги йилларда маҳалламизда барча соҳаларда катта ишлар бажарилди. Йўллар равон, кўчалар чароғон, хонадонлар обод бўлди. Аҳоли электр энергия, газ ва ичимлик сув билан тўлиқ таъминланди. Ишсизлар ишли, уйсизлар уйли қилинди.

Марат АМИНОВ,
Нукус туманидаги
“Дийқан арна” маҳалласи раиси.

Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида фермер далалари, томорқа ерларнинг суғориш тармоқларини яхшилаш, сув йўқотишларни камайтириш мақсадида икки километр ариқ бетонланди. Бунинг натижасида аҳолининг томорқа ерларидан оладиган даромади икки-уч хисса ошди. Ошқовоқ, помидор, қовун-тарвузлар доимий даромад манбаига айланди. Нукус шаҳар деҳқон бозори яқин бўлгани учун маҳсулотларни миришкорларнинг ўзлари сотишяпти. Асосий харидорлар Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан.

Бугун одамлар анча уйғоқ, олдингидек, боқимандалик кайфияти йўқ. “Интилсам, имкон топаман”, деган нақлга амал қилиб, турли соҳаларда даромад олиш иммини изляяпти. Масалан, йигирмадан ортиқ хонадон эгалари асалари-чилик билан шуғулланыпти. Уларнинг ҳар бирида 5-6 тадан асал уяси бўлиб, биттасидан 15-20 килограмм бол оляпти. Яна тўртта фермер хўжалиги асалари-чиликка ихтисослашган. Юз гектардан ортиқ майдонда иккита боғдорчилик фермер хўжалиги бўлиб, узум

ва олма етиштиряпти. Фуқаролар бозораларига буғдой, ошқовоқ, қовун-тарвуз экиб, даромадли бўляпти. Чорвада барака катта эканини яхши англаган дийқанарна-ликларнинг ҳар бирида 3-4 тадан қорамоли бор.



Қувонарлиси, “маҳалла еттилиги”, давлат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар ҳамжиҳат бўлиб, кўплаб хайрли ишларни амалга оширяпти.

Жумладан, янги маҳалла идораси, оилавий шифохона, боғча, мини футбол стадиони қурилди. 2026 йил яна 60 ўринли давлат боғчаси барпо этилади. Айни пайтда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида баскетбол, воркаут ва яна бир мини футбол майдони бунёд этиляпти.

Маҳалламиз “Нукус — Чимбой — Тахтақўпир” автомобиль йўли бўйида жойлашгани учун бу ерда савдо, маиший ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда овқатланиш шохобчлари ташкил этилиб, тадбиркорлар сони ошяпти. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ишли ва даромадли бўлишини таъминляпти.

Шу ёшга кириб, бундай кенг кўламли ишларни кўрмагандим. Бу, аввало, Президентимизнинг қорақалпоқ элига бўлган эътибори ва ғамхўрлиги натижасидир. Қолаверса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Нукус туманига Самарқанд вилоятининг бириктирилиши оқманғитликларнинг турмуш даражасини тубдан ўзгартирди.

Аралбай
ЖОЛИМБЕТОВ,
Нукус туманидаги
Оқманғит шаҳарча
фуқаролар йиғини
раиси.



Маҳаллада ёшлар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Хусусан, Нукус туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш, самбо, футбол тўғрақлари ташкил этилди. Шунингдек, 21-умумтаълим мактабидаги ҳамда яна иккита мини футбол стадиони ёшлар ихтиёрида. Яқинда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали 31-мактаб ҳудудига воркаут майдони қурдик.

Самарқандликларнинг кўмаги билан 135 та объект қайта таъмирланди. Олтига кўп қаватли тураржой қурилиб, фуқаролар янги уй-жойга эга бўлди. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг ишлаши учун барча қулайликлар эга икки қаватли янги маҳалла биноси бунёд этилди. Унинг иккинчи қаватида ташкил этилган кутубхона шаҳарча аҳолиси, айниқса, ёшлар учун ҳақиқий зиё масканига айланди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун туман марказий шифохонаси, замонавий поликлиника барпо этилиб, зарур тиббий анжомлар билан таъминланди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази тубдан қайта таъмирланди. Бундан ташқари, Хотира майдони, бир неча йиллик тарихга эга Имом эшон жоме масжиди бунёд этилди. Бугунги кунда янги қурилган “Оқманғит” деҳқон бозорида 70 нафар тадбиркор савдо-со-

тиқ билан шуғулланыпти. Яқинда иш бошлаши кутилаётган икки қаватли “Оқманғит” савдо мажмуасида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш бўйича 10 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилади. Бундай шарт-шароитлар тадбиркорлик билан шуғулланиш истистада юрган фуқаролар учун қулай имконият яратди. Натижада савдо-сотик, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони 379 нафарга етди. Бир сўз билан айтганда, оқманғитликлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Харакаатда барака, деганларидек, бугун ҳамма даромадли иш билан банд. Бунинг натижасида маҳалла ишсизлик, камбағаллик, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди. Олдинлари ҳомий излаб тадбиркорлар ортидан сарғайиб юрган бўлсак, бугун саховатпеша тадбиркорлар “кимга ёрдам берай, камбағал оилалардан топиб беринг”, деб олдимизга келишяпти.

Шукри, шу кунларга ҳам етдик. Мана шу шукроналикни, инсоф сари барака эканини халқимизга, ёшларимизга тушунтиряпмиз. Ҳар сафар шукрона айтганимда, Президентимизнинг “Мана, итилса, қилса бўлар экан-ку”, деган сўзлари ёдимга тушади.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.



Марат УЗОҚБЕРГЕНОВ,
Нукус туманидаги “Улғили макон” маҳалласи раиси:

— Нукус шаҳрига ёндош ҳудудда жойлашган “Улғили макон” маҳалласи 2023 йил ташкил этилган бўлиб, бу ерда 900 та намунали уй қурилган. 1 673 та хонадон эгаларининг асосий қисми савдо-сотик, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида банд. Жорий йил маҳалла раиси этиб сайланган бўлсам-да, ишни тўғри ташкиллаштириб олдим. Аҳолининг ақсариёт масалаларини “маҳалла еттилиги”, фуқаролар

ҳамда давлат ташкилотлари вакиллари иштирокида маҳалланинг ўзида ҳал этилди. Бу жараёнда “Mahalla” газетаси орқали ҳамкасбларимнинг иш тажрибаларини ўрганаётган бўлсам, “Mahalla ko'zgusi” журналидан маҳалла тизимига оид фармон, қарор ва қонунлар ўқиб борапман. Иш фаолиятимда фойдаланишга арзирли бўлгани сабаб, ушбу нашрларга келгуси йил учун ҳам обуна бўлдим.



**ЯНВАРЬ-НОЯБРЬ
ОЙЛАРИДА аҳоли
тижорат банкларига
19,4 миллиард доллар
валюта сотди,
10,6 миллиард доллар
сотиб олди.**



**Ўзбекистонда
телекоммуникация
хизматлари сифати
мониторинги учун
“РАҚАМЛИ НАЗОРАТ”
платформаси ишга
туширилади.**



**Ўзбекистон
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ
ИСЛОХОТЛАРНИ
давом эттириш учун
Европа Иттифоқидан
7 миллион евро
микдорида грант олди.**

6

№101 | 2025 йил 17 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ – АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

ТАЖРИБА,
ТАШАББУС, ТАКЛИФ

ЯХШИ НАТИЖАГА ЯХШИ АМАЛЛАР ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Аҳолининг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади. Маҳалламиз фуқаролари томорқа ва ижара ер майдонларида помидор экади. “Ўсиш нуқта”ни янада ривожлантириш учун шу ернинг ўзида бозорча ташкил этганмиз.



**Илёс МУРОДОВ,
Булунғур туманидаги Фозил Йўлдош
номидаги маҳалла ҳоким ёрдамчиси.**

Бундан ташқари, “Янгийўл агро стар” масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда табиий қуёш нурида помидор қуритилиб, қоқи тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 150 нафар хотин-қиз ва ёшлар учун мавсумий иш ўринлари яратилди.

Уй ҳўжаликларидаги имкониятларни ўрганимда, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш орқали катта натижага эришиш мумкинлигини кўрдим. Масалан, кооперация усулида паррандачилик йўлга қўйилгани шу ўрганишлар меваси. Шунингдек, “Тадбиркорлик маркази” ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 6 та йўналишда фаолият юритиб келмоқда.



Эндилиқда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам “драйвер” сифатида ривожланмоқда. Масалан, маҳаллада машҳур халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг музейи мавжуд. Ушбу музейга келувчилар учун битта кўчани танлаб олдик. Уни туну-кун хизмат кўрсатишга ихтисослаштириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқдик.

Маҳалламиз Бахмал туманига ўтувчи йўл устида жойлашган. Шу боисдан йўловчилар ҳисобига янги савдо дўконлари, хонадонларда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Бу ерда 450 нафардан ортқ фуқаро меҳнат қилмоқда. 2025 йил бошидан ҳозирги кунга қадар хонадонларда 60 та микролойиҳа амалга оширилиб, 120 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.



Соҳани янада ривожлантириш учун ҳоким ёрдамчиларининг билимини ошириб бориш учун малака курслари очилди. Шунингдек, уларни бошқа ҳудудларга сафарга юбориш ҳам мақсадга мувофиқ. Қолаверса, англиклардан тезкор хабардор бўлиб боришимиз учун махсус методик қўлланмаларга эҳтиёж бор. Яқин келажак режаларимиз янада улкан. Туризм, хизмат кўрсатиш соҳаси билан биргаликда, помидор еттиштириш ва уни саноат усулида қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

**Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.**



Ижтимоий дафтардагиларни даромадга йўналтирдик, ютқазмадик

Исмоил Бердиев ишсиз бўлган. У билан суҳбатлашганимизда, ҳунармандчиликка қизиқишини билдирди. Шу йўналишда фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 33 миллион сўм кредит олишида кўмаклашдик. Натижада ўзи билан бирга, яна 4 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлади.

**Обиджон ХОЛОВ,
Хатирчи туманидаги
“Чечак ота” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.**

“Маҳалла еттилиги” ёрдамида ўз тадбиркорлигини бошлаган бу каби инсонлар кўп. Худудда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор бериб, ҳар бир фуқаронинг қизиқиши инобатга олинмоқда. Унга кўра, ёшларнинг 29 нафари касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш, 21 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш, 52 нафари кредит олиш ва 21 нафари доимий ишда ишлаш хоҳиши борлигини билдирган эди. Шундан келиб чиқиб, эътиборни биринчи навбатда, ижтимоий дафтарларга кири-

тилган ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилишга қаратдик. Бугунги кунга қадар 182 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Худуд — мева-сабзавот, узумчилик ва кичик ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Аҳолининг деҳқончиликда кўникмаси бор. Мавжуд хонадонларда томорқа ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида 2 та намунали кўча атрофига узум кўчатлари экилди. Ҳозир 58 та хонадон узумчилик орқасидан даромад олмоқда. Шунингдек, 34 та ихчам иссиқхона ташкил қилинди. Албатта, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар



ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш диққат марказимизда. Бунинг учун мономарказ ташкил қилинган бўлиб, “Хунарманд” уюшмаси аъзоси, якка тартибдаги тадбиркорлар — Феруза Азмиддинова миллий кўғирчоқ яшаш, Гулноза Очилова миллий ва замонавий либослар тикиш бўйича

таълим бермоқда. Бугунгача 19 нафар “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да турувчи хотин-қиз ушбу уч ойлик ўқув курсларини битирди. 4 нафарига ўз ишини бошлаш учун субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. 7 нафари тикувчилик йўналишида “Очил бобо истиқболи” оилавий корхонасига ишга жойлаштирилди.



“Еттилик”нинг биргина ташаббуси билан 25 та иш ўрни яратилди, 9 та тадбиркор фаолияти қайта тикланди. Бунинг учун йўл ёқасидаги бўш турган бинолар талабгорларга берилди.

Хунардан топилган хазина хонадонга барака киритади

**Маҳаллада
яшовчи Зокир
Воҳидов бир
неча йил аввал
хасталиги туфайли ишсиз
қолган эди.
Уйда ўтирган
ҳолда даромад
топишни истар,
лекин бунга
имконияти бўлмаганди. Ягона
оила боқувчисининг қийин
ҳолга тушиб
қолиши турмуш шароитига
жиддий таъсир
кўрсатди.**



**Ақромжон ОЛИМОВ,
Янги Наманган туманидаги
Фурқат номидаги маҳалла
ҳоким ёрдамчиси.**

Оила “маҳалла еттилиги” томонидан “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Оила аъзоларининг ижтимоий аҳволи ўрганилганда, парран-

дачиликка қизиқиши борлигини аниқладик. Шу асосида 10 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмаклашдик. Натижада Зокир Воҳидов кичик тадбиркорлик ҳўжалигини йўлга қўйиб, даромад топа бошлади.



Бежизга товۇқни етти хазинанинг бири дейишмайди. Дарҳақиқат, оила паррандачилик билан шуғуллана бошлаганидан бери, хонадонга кут-барака кирди. Бугунги кунда 700 та товۇқдан ҳар куни 250 тагача тухум олади. Кунлик даромад — 300 минг сўмни ташкил этмоқда.

Худудда бу каби ҳайрли ишлар кўп. Масалан, яқинда аҳолига арзон ва сифатли гўшт маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган янги қушхона ишга туширилди. Дастлаб фаолиятини хонадонда 20 та қўй боқибдан бошлаган Аҳмаджон Абдуқаҳоров “SHEEP MEAT” оилавий корхонасида чорва ҳайвонларини сўйиш ва замонавий савдо шохобчасида сотишни йўлга қўйди. Эътиборли томони, “маҳалла еттилиги” ташаббуси билан мазкур янги қурилган бинонинг ертўла қисмида миграциядан қайтган ёшлар учун тикувчилик корхонаси ташкил этдик. Шу йўналишда яна бир савдо шохобчаси — “Гўшт маркази” очдик. Бу ерда хориждан келтирилган қўй ҳамда мол гўштлири сотуви йўлга қўйилди. Уларнинг нархи ўзимиздаги гўштларга солиштирганда қарийб 2 баробар арзон. Муҳими, ҳар бир ташаббус ортида ўнлаб, юзлаб инсонлар тақдири яхшиланиб, ўзгармоқда. Улар камбағалликдан фаровонликка эришмоқда.

ТАШАББУС

КИТОБ ЎҚИГАН, КУТУБХОНА ОЧГАН ОДАМ “АЪЛОЧИ” БЎЛАДИ

**Норин тумани
“Саодат” маҳалласида
истиқомат қилувчи
Мухаммадамин ота
Абдуллаев бадийий
адабиётнинг чинакам
ихлосманди.**

Ў ўзи тўплаган, катта қисмини мутолаа қилган китобларидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишни истаб, бир неча йил аввал маҳалласида жамоатчилик кутубхонасини барпо этганди. Вақт ўтиши билан китоб жамғармаси ҳам, мутолаага ошно инсонлар сони ҳам ортиб, мавжуд бино торлик қила бошлагач, зиё масканини ўзи истиқомат қилаётган ҳовлига кўчиришга қарор қилди.

Хонадонда барпо қилинган кутубхонада бугун қадриятлар музейи, миллий ҳунармандчилик хонаси ҳамда қирққа яқин китобхонага мўлжалланган мутолаа зали жойлашган. “Халқ кутубхонаси” эшикларини очган куниеқ иштирокчилар томонидан Мухаммадамин отага 1 000 дан ортқ бадийий адабиётлар совға қилиниб, у кишига “Аҳборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони топирилди.





Озарбайжонда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “АЛИШЕР НАВОИЙ” РОМАНИ озарбайжон тилида нашрдан чикди.



Хивадаги “Арда Хива” туризм мажмуасида “ХОРАЗМ ПАЛОВИ” ХАЛҚАРО ОШ ФЕСТИВАЛИ ўтказилди.



КИМЁ САНОАТИ: умумий қиймати 36,5 миллион АҚШ долларлик 8 та янги лойиҳа ишга туширилди.

Иш ҳақини “конверт”да тўлаб, таваккал қилманг

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Асқар ТОШПЎЛАТОВ.
Қашқадарё вилояти:

– Шу кунларда 2026 йил 1 январдан бошлаб такси ҳайдовчилари солиқ тўлашади, деган хабарлар тарқалмоқда. Шу ҳақида аниқроқ маълумот берсангиз...

ТАКСИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ СОЛИҚ ТЎЛАШАДИМИ?

Шукрулло ХАЛИЛОВ,
Солиқ қўмитаси масъул ходими:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, енгил автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киририлган ва амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, мазкур шахсларнинг ўз фаолияти натижасида олган ва 100 миллион сўмгача бўлган даромади жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод этилиши белгиланган.



Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, **мазкур тартиб, яъни 100 миллион сўм бўлган солиқ имтиёзи 2026 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинади.** Шу боис энди ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадининг 1 миллиард сўмгача бўлган қисмидан 1 фоиз ставкада айланмадан олинган солиқ тўлайди. Масалан, **таксичилик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс бир миллион сўм миқдоридан мазкур фаолиятдан даромад оладиган бўлса, 1 фоиз, яъни 10 минг сўм солиқ тўлаши шарт ҳисобланади.**

Мазкур ҳолатда таксичилик фаолияти билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган шахсининг солиқлари солиқ агенти, яъни такси агрегаторлари томонидан ушлаб қолинади ва тегишли тартибда давлат бюджетига ўтказиб берилади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаса, ишчилар сони яширилса ёки уларнинг иш ҳақи солиқ ҳисобида тўлиқ акс этмаса, бу солиқ базасини яшириш ҳисобланади. Бу эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, БҲМнинг 20 баравари миқдорида жаримага тортилади.



Ҳазорасп туманидаги 47 та маҳаллага 21 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Уларнинг кўмаги билан 517 та корхонанинг фаолияти тикланди, 27 та бўш объект ишга туширилди. Яширин иқтисодиётни жиловлаш мақсадида 12 717 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали рўйхатдан ўтказилди

Бобомурод СОБИРОВ,
Ҳазорасп туманидаги “Карвак” ва Ғафур Ғулом номидаги маҳаллалари солиқ инспектори.



Шу боис тадбиркорлар ва фуқаролар ўртасида норасмий меҳнат фаолиятига барҳам бериш, иш ҳақини этиш борасида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бораёلمиз. Биргина тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган тарғибот натижасида ўтган 10 ой давомида 45 та корхонада норасмий ишловчи 59 нафар фуқаро фаолияти қонунийлаштирилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди. Натижада 8 миллион 700 минг сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Шунингдек, хатлов натижасида ноқонуний фаолият кўрсатаётган 21 та тадбиркорлик субъекти янгидан рўйхатдан ўтказилди.

“Маҳалла еттилиги” тизими йўлга қўйилгач, ҳар бир солиқ тўловчи хонадонига кириб бориб, уларнинг муаммоларини ўрганаёلمиз. Савдо дўконлари эгаларига товарлар учун тўловларни бир жисмоний

шахснинг картасидан бошқа жисмоний шахснинг картасига ўтказиш (П2П) орқали ҳисоб-китоб қилиш ноқонуний ҳисобланиши, миқдорларга QR-код ва фискал белгилари чек тақдим этиши шартлиги, чек бермаслик қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлишини тушунтириб, эслатма хатлари тарқатилляпти. Бу, ўз навбатида, яширин иқтисодиёт улушини камайтириб, солиқ тушумларини оширяпти.

“Маҳаллабай” ишлаш натижасида 1 миллиард 246 миллион сўм товар айланмасига эришдик. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида 745 нафар фуқарони ўзини ўзи банд қилиб, дастлабки тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашдик. Бундан ташқари, жорий йил январь-октябрь ойларида жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 1 миллиард 525 миллион сўм маҳаллий солиқлар ундирилди. Натижада “маҳалла бюджети”га йиғилган сумманинг 10 фоизи, яъни 152 миллион 600 минг сўм маблағ қолди. Қўшимча манбалар ҳисобидан 454 миллион 700 минг сўм маблағ туширилди.

Мамлакат иқтисодиётининг юраги – бу тадбиркорлик. Ҳар бир яратилган иш ўрни, ҳар бир ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулот ортида бир тадбиркорнинг жасорати, меҳнати ва ташаббуси туради. Шу боис тадбиркорларнинг қонуний фаолият юритишлари учун тезкор амалий ёрдам бераёلمиз.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Нақдсиз ҳисоб-китоблар оммалаштирилади

Президентнинг “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра, 2030 йилгача яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари белгиланди.

Унга кўра, ялпи ички маҳсулотга нисбатан кузатиш тизимидан иқтисодиёт улуши 1,3 бараварга қисқартирилади. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли томонидан тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш улуши 75 фоизга етказилади.

2026 йил 1 апрелдан қуйидагилар учун тўловлар фақат банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилади:

- давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;
- электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар;
- алкоғол ва тамаки маҳсулотлари;
- транспортларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали аҳолига нефть-газ маҳсулотларини сотиш ва электрда ҳаракатланидиган транспортларни зариядлаш бўйича хизматлар;
- қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар;
- кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганга 10 йилдан ошмаган М, N, O ва G тоифага кирувчи транспортлар ҳамда махсус автотранспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш.

Фармонга кўра, 2026 йил 1 январгача барча савдо ва хизмат кўрсатувчи юридик шахслар томонидан электрон тўловларни қабул



қилиш учун ягона QR код жорий қилинади. Шунингдек, банкларда генерация қилинган ягона QR код орқали электрон тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилади.

Бу жараёнда 2026 йил 1 июлдан:

- барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахсларда ягона QR кодли тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш ҳам мажбурий этиб белгиланади;
- ягона QR кодлардан фойдаланилмаётганлиги савдо қоидаларини бузиш деб ҳисобланади.

2026 йил 1 январдан 1 та ташқи савдо шартномаси доирасида айнан бир хил турдаги товарларга мувофиқлик ва экологик сертификат 1 йилдан ошмаган муддатга бир маротаба берилади.

2026 йил 1 мартдан солиқ органлари ходимлари ҳамда Навоий ва Чирчиқ шаҳарларида ҳисобга қўйилган жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тажрибасинов тарикасида жорий этилади.

2026 йил 1 июлдан босқимча-босқич назорат қилувчи органлар томонидан ушбу фармонда кўрсатилган ҳолатлар бўйича тадбиркорлик субъект-

ХАБАРДОРМИСИЗ?

СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИ ТАРТИБИ ЎЗГАРАДИ

Эндиликда юридик шахслар учун мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботлари проактив тартибга ўзгаради. Хўш, бу нима дегани?

2026 йил 1 январдан бошлаб, юридик шахслардан олинган мол-мулк ва ер солиғи ҳисоботларини шакллантириш вазифаси солиқ органларига ўтказилади ва мазкур мажбурият солиқ тўловчилар учун бекор қилинади.

Янги тартиб бўйича солиқ тўловчиларга солиқ органлари томонидан шакллантирилган ҳисоботлар юборилган кундан бошлаб 5 иш кун ичида зарур тузатишларни киритиш ва тузатиш киритилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқи берилади.

Солиқ ҳисоботларининг тўғри ва ишончли шакллантирилишини таъминлаш мақсадида, солиқ солиш объектига эга бўлган юридик шахслардан жорий ҳолатга маълумотларни кўздан кечириб чиқишлари сўралади. Агар ҳисоботдаги маълумотлар билан корхоналарга тегишли кўчмас мулк ва ер участкаси майдонлари ёки ер тоифалари ўртасидан тафовутлар аниқланса, уларни кадастр органлари маълумотлари билан таққослаш тавсия этилади.

Солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати



ларида ўтказиладиган текширувлар боди-камерадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

2026 йил 1 январдан:

- импорт қилинган озик-овқат маҳсулотларининг 9 ой (ғўшт ва хўл мева-сабзавотларнинг 3 ой) давомида сотилмаганлиги ва қиймати БҲМнинг 500 бараваридан ортиқ бўлган ушбу маҳсулотлар қолдиқда турганлиги ҳолати сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос ҳисобланади;
- кўчмас мулк объектлари ва қурилиш материаллари бўйича солиқ базаси ушбу товарларнинг бозор баҳосидан келиб чиқиб аниқланади;
- Ўзбекистон ҳудудидида жисмоний шахсларга электрон шаклда хизматлар кўрсатувчи ва товарлар сотувчи чет эл юридик шахслари солиқ органида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётгани аниқланиб, рўйхатдан ўтиш тўғрисида хабарнома юборилгандан кейин 30 кун ичида рўйхатдан ўтмаганда, ушбу юридик шахсларнинг Ўзбекистондаги фаолияти чекланади;
- камерал солиқ текширувини ўтказишда солиқ органлари аниқлаган тафовутни асослаш учун солиқ тўловчилар томонидан қўшимча ҳужжатлар тақдим этилганда солиқ органлари томонидан уларнинг қўриб қилиниши мажбурий ҳисобланади.



Ўзбекистон ёшлар ўртасидаги ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА 197 та медаль билан биринчи ўринни эгаллади.



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган “Global Chess League” турнирида қатнашяпти.



ҲАСАНБОЙ ДЎСМАТОВ ва АСАДХЎЖА МЎЙДИНХЎЖАЕВ бокс бўйича IBA жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

ЮҚОРИ ҚОН БОСИМИНИ ДАВОЛАШДА БОШ ТАМОЙИЛ, БУ — ПАРҲЕЗ

Гипертония — қон томирларининг нерв-функционал фаолияти бузилиши натижасида келиб чиқадиغان касаллик бўлиб, асосан, 40 ёшдан ошган инсонларда учрайди. Бироқ сўнгги йилларда бу хасталик тобора ёшариб бормоқда.



Ёқутхон МАЖИДОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Маъзкур хасталик юрак-қон томир тизими касалликларига чалинган кишиларнинг ўлимига ёки ногиронликка сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири. Унинг асосий белгиси — мия томирларининг спазми ва торайиши туфайли бош оғриғидир. Шунингдек, кўпинча қулоқларда шовқин пайдо бўлиши, кўриш қобилияти сусайиши, ҳолсизлик, уйку бузилиши, бош айланиши, бошда оғирлик ҳисси, юрак уриши тезлашиши намоён бўлади.



Гипертония касаллигида парҳез — тана вазнини меъёрлаштириш, қонда холестерин даражасини пасайтириш, танада сув-туз алмашинуви ва электролит бузилишларни мўтадиллаштириш, юрак мушаги фаолиятини яхшилаш, томир деворларини мустаҳкамлаш кабиларга қаратилади.

Юқори қон босимини парҳез ёрдамида даволашнинг асосий тамойиллари қуйидагича:

- тановул қилинаётган таомларнинг энергетик қиймати тана сарфлаётган энергияга мос келиши лозим. Беморда семизлик мавжуд бўлса, кундалик таомлар калорияси чегараланиши керак;
- овқатланиш тартибидан марказий асаб ва юрак қон-томир тизимини қўзғатувчи (ғўштли, балиқ ғўштли қуюқ шўрвалар, аччиқ чой, қаҳва, шоколад, дудланган маҳсулотлар) ва ичакларда дам ҳосил бўлиш жараёнини кучайтирувчи (нўхат, ловия, газли ичимлик ва бошқа) маҳсулотларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ;
- спиртли ичимликлар истеъмолини қатъий чеклаш лозим;
- кундалик ош тузи истеъмоли 5 граммдан ошмаслиги ҳамда 2 граммдан кам бўлмаслиги зарур;
- мағний тузлари билан тўйинтирилган сўт, ўсимлик маҳсулотларидан ташкил топган парҳез қон босимини пасайтиради. Беморлар учун кальций микдори юқори, таркибида ёғ ва кофеин кам бўлган маҳсулотлар фойдаланилди;
- вазнини 1 килограммга камайтириш систолик қон босимини симоб устуни ҳисобида ўртача 2,5 миллиметр, диастолик босимни эса 1,5 миллиметр пасайтиради.

Бундан ташқари, тандирдан узилган янги нон ўрнига, бир-икки кун турган нонни истеъмол қилиш фойдалидир. Кундалик рационга дармондори ва минералларга бой ҳамда касалликка қарши курашишга ёрдам берувчи маҳсулотлардан кўпроқ киритиш керак.

“Маҳалла еттилиги” ходимлари аҳоли хонадонларига кирганда шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратишини хошлардик. Оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юқори қон босими билан оғриш ҳолатларининг олдини олиш учун тўғри овқатланиш қоидаларини тушунтириб бориши яхши самара беради. Беморларга эса фойдали маслаҳатлар берса, оғир асоратларнинг келиб чиқмаслигига муносиб ҳисса қўшган бўлар эди.



Газета саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Спорт гимнастикасининг инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари жуда кўп. У ҳам jisмоний, ҳам руҳий жиҳатдан соғлом турмуш кечиришга ёрдам беради.



СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ: СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ОДДИЙ ВА СОДДА ЕЧИМИ

Жасур УМАРОВ, шифокор.

Кичик ёшдан бу фаолият билан шуғулланиш бутун тананинг бирдек ривожланишига ёрдам беради. Мушакларни мустаҳкамлаб, мувозанат ва ҳаракат мувофиқлигини оширади. Бел, елка ва бўйин оғриқларининг олдини олиб, қад-қоматини расо қилади. Ётилувчанликнинг ошиши ҳисобига бўғимлар ва пайлар эркин ҳаракат қилади. Бундан ташқари, юрак-қон томир тизимининг фаол ишлаши натижасида кишининг турли касалликларга нисбатан чидамлилиги ортади.

Рухий жиҳатдан эса гимнастика инсоннинг ўзига бўлган ишончини оширади. Интизом ва сабр-тоқат каби фазилатларни шакллантиради. Зўриқиш ва чарқоқни камайтиради. Айниқса, болаларда интизом, сабр-тоқат ва масъулият ҳиссини шакллантиради. Хотира ва диққатни яхшилайди.

5-7 ёшдаги болалар мунтазам равишда спорт гимнастикаси билан шуғулланса, сколиоз ҳамда яссотовонлик каби муаммоларнинг олди олинади. Фаол ва соғлом ҳаёт кечириш одати шаклланади. Бунда қизиқши уйғотишни оддий машқлардан бошлаш тавсия этилади.



Қўл ва оёқларни айлантириш, ерда олдинга ва орқага думалаш, бир оёқда туриб, мувозанатни сақлаш кабилардан секин-аста мураккаб ҳаракатларга ўтиш яхши самара беради. Аввалига машғулотларни 15-20 дақиқа давомида ўйин шаклида ўтказиб, кейинчалик вақтни узайтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, спорт гимнастикаси соғлиқни мустаҳкамлаш, тўғри ривожланиш ва фаол ҳаёт тарзини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ундан тўғри ва мунтазам фойдаланиш инсон саломатлиги учун жуда фойдали ҳисобланади.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

БОНУС ВА СОВРИНЛАР ҚИМОР ЭМАСМИ?

Илҳом КАРИМОВ. Сирдарё вилояти:

— Бугунги кунда жуда кўп маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар маълум маҳсулотни сотиб олган инсон учун турли бонус ёки совринлар қўшиб берапти. Масалан, маҳсулот ичидан турли ютуқлар чиқмоқда. Бу диний жиҳатдан қанчалик тўғри, қиморга ўхшаб қолмаяптими?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бу ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг ихтиёридаги нарсас. Ушбу ҳолат учта шартга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Ўйқаса, қиморга ўхшаб қолади.

Биринчидан, ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи шу соврин ёки бонус учун маҳсулотнинг нархини ошириб қўймаслиги керак. Масалан, маълум ичимликни сотиб олганларга соврин ваъда қилиш орқали аслида 5 минг сўм турайдиган буюмни 6 минг сўмга сотиш мумкин эмас. Сабаби, бу моҳиятан қиморга айланиб қолмоқда. Ортиқча йиғилган пул кимгадир соврин бўлиб қайтмапти. Бу ўртага минг сўмдан пул ташлаб, кейин кимдир ютиб оладиган қиморнинг айни ҳолатидир. Аммо ичимлик ўз нархи, яъни 5 минг сўмга сотилса, харидорлар маҳсулотни ўзининг нархига сотиб олган ва сотувчи томонидан қўйилган қўшимча совринни совға сифатида олган бўлади.

Иккинчидан, маҳсулотлар учун бонус тақдим қилиш сифатсиз ёки сохта маҳсулотни ўтказиш учун алдов йўли билан амалга оширилмаслиги керак.

Учинчидан, бундай маҳсулотларни сотиб олаётган кишининг мақсади ўша маҳсулотни истеъмол қилиш ёки ундан фойдаланиш бўлиши керак. Фақат мукофотни қўзлаб сотиб олса жоиз эмас.

Маълум нарсани сотиб олган харидорлар ўртасида қуръа орқали бериладиган совринларнинг ҳукми ҳам юқоридаги шартлар асосида жоиз ҳисобланади. Иккита нарсаси сотиб олсангиз, учинчиси бепул, деб сотилган ҳолатда эса сотувчи учта нарсани иккитани пулига сотаётган бўлади. Гарчи бу ўринда учинчиси бепул, дейиладиган бўлса-да, аслида, иккита нарсани пулига учтани сотаман, деган бўлади.

Олдидан эълон қилмасдан қўшиб бериш, масалан, тарозида оғирроқ қўлиб бериш ёки донасини қўлайтириб бериш жоиздир.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

БИР КУНЛИК ТУЗ МЕЪЁРИ ҚАНЧА?

Ош тузи — инсон танасига натрий етказиб берувчи ягона озукавий модда. У қон айланиши ва қон босимини бошқариш, асаб тизими ҳамда мушаклар орасидаги узвий алоқани таъминлайди.



Нодира АЛИХОНОВА, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва jisмоний фаоллигини ошириш маркази директори.

Ушбу маҳсулот таркибидаги хлор овқат ҳазмига ёрдам беради. Танада сув-туз меъёрини тартибга солишда иштирок этиб, жигарнинг тўғри ишлашига қўмаклашади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, танадаги моддалар алмашинувини меъёрлаштириш учун кунига бир чой қошиқ — 5 грамм йодланган ош тузи истеъмол қилиш етарли. Агар қулиқ микдор ортиб кетса, турли хасталиклар келиб чиқади.

Ортиқча туз суяк тўқималарига ёмон таъсир қилади. Танада моддалар алмашинуви бузилиб, юрак, буйрак ва қон айланиш тизимида салбий ўзгаришлар кузатилади. Меъёрдан ошқ туз танада суюқликни ушлаб туриши оқибатида шишлар пайдо қилади.

Бу маҳсулот ёшлар парчаланишига тўқсинлик қилиб, ортиқча вазнини юзага келтиради. Танадаги ортиқча туз пешоб билан чиқарилади ва у билан кальций ҳам ювилади. Оқибатда кальций етишмовчилиги юзага келади. Яна бир салбий жиҳати, йодланган тузнинг кўп микдори кўз босимини ошириб, катарактага олиб келади. Шу боис меъёрга риоя қилиш тавсия этилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер: Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 8 185 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1220

